КОЛЪРАБИ КАРАМИ (ШИМОЛ ЛИМОНИ)НИНГ ЕТИШТИРИШДА НАВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Якубова Дилафруз Муродовна
Сабзавотчилик ва иссиқхона
хўжалигини ташкил этиш кафедраси доценти
yakubova7098@mail.ru
Эшназарова Мадинабону Рахматовна
Ипакчилик ва тутчилик кафедраси кабинет мудираси
madinaeshnazarova23@gmail.com

Аннотация. *Мақолада сабзавотларни озиқ-овқат сифатида катта аҳамиятга эга эканлиги ва уларни шифобахшлик хусусиятлари баён этилган. Шунингдек, озиқланиш майдонини катталашиб бориши ҳар тупда шаклланадиган поямеваларини ўртача вазнига ижобий таъсир этиши тўғрисида хабар қилинган. Карамни кольраби тури Гигант навини 70×25 см схемада экиб етиштириш технологиясининг афзалликлари илмий асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *кўчат, озиқланиш майдони, схема, поямева, ўсимлик, парваришлаш.*

Аннотация. *В статье описывается большое значение овощей как продукта питания и их лечебные свойства. Также сообщается, что увеличение площади подкормки положительно влияет на средний вес стручков, образующихся на каждом клубне. Научно обоснованы преимущества технологии посадки и выращивания сорта капусты «Гигант» по схеме 70х25 см.*

Ключевые слова: *саженец, место подкормки, схема, плод, растение, уход.*

Annotation. *The article describes the significant value of vegetables as a food product and their medicinal properties. It also reports that increasing the feeding area*

has a positive effect on the average weight of pods formed on each plant. The advantages of the planting and cultivation technology for the 'Gigant' cabbage variety, using a 70x25 cm spacing scheme, are scientifically substantiated.

Keywords: seedling, fertilization site, layout, fruit, plant, care.

Кириш. Барчага маълумки, сабзавотлар витаминлар, макро ва микроэлементлар, фитонцидлар ва кўп сондаги биологик фаол моддаларнинг манбааси ҳисобланади. Жумладан, инсонни қариш жараёнини, кўп хасталикларни ривожланишини олдини оладиган ва иммунитетни оширадиган антиоксидантларни ўзида сақлайди. Шулар сабабли йил мобайнида турли хилдаги сабзавотларни истеъмол қилиш соғлом овқатланишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Сабзавот ва меваларни истеъмол қилиш кўп сондаги касалликларни камайишлигига сабаб эканлиги ўтган асрнинг 30 йилларида аниқланган. Сабзавот ва меваларни озиқ-овқат маҳсулотларининг зарурий қўшилмаси (компоненти) эканлиги, уларнинг қийматини янада оширади, [5,6].

Ҳозирги даврда ривожланган кўпчилик мамлакатларда инсонларни соғлом овқатланишига давлат сиёсати сифатида қаралмоқда.

Кольраби караминиг бошқа карам турларига нисбатан устунлиги унинг тезпишарлиги, юқори ҳарорат ва қурғоқчиликка чидамлилиги бўлиб, у узоқ Шимолда, Камчатка ва Сахалинда ҳам етиштириш имкониятини беради. (Лизгунова Т.В., 1984; Лебедева А.Т., 2003; Былкова Е.П., Епифанцев В.В., Бородин Е.А., 2005).

Ўзбекистонга кольраби карами 1952-1958 йилларда (15 та намуналар) Бутун Иттифоқ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг (Ленинград, ВИР) Ўрта Осиё филиалига (САФВИР), ҳозирги Ўсимликлар Генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтига олиб келинган. Бироқ, мустақиллик йилларигача бошқа ноанъанавий сабзавотлар (салат, гул карам, қизил бошли

карам, брокколи, брюссель, руккола, пекин карами) қаторида талаб бўлмаганлиги учун кенг тарқалмаган.

Демак, сабзавотлар инсон ҳаётида озиқ-овқат сифатида катта аҳамиятга эга. Улардан олинадиган ялпи ҳосилни кўпайтиришда суғориб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг самарадорлигини оширишда ўсув даври қисқа, биологик фаол моддаларга бой бўлган сабзавотларни янги турларини кўпайтириш давр тақозаси бўлиб қолмоқда. Карамнинг кольраби тури бизни қуруқ иссиқ иқлимли шароитимизда экиб етиштириш бўйича илмий асосланган маълумотлар манбааларда келтирилмаган. Бу масалани ўрганиш бизни шароитимизда етиштириладиган сабзавотлар турини кўпайтиришда назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, сабзавотчиликнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва усуллари

Тадқиқотларимизда кольраби караминнинг Гигант навини 35 кунлик кўчатини такрорий экин сифатида турли схемаларда экиб етиштиришни мақсад қилиб дала тажрибаларини 2020-2021 йилларда Тошкент давлат аграр университетининг тажриба станцияси тупроқ иқлим шароитида ўтказилди.

Тажрибада кольраби карамини 35 кунлик кўчатлари июль ойининг учинчи декадасида 5 хил: 70×10 см (назорат), 70×15 см, 70×20 см, 70×25 см ва 70×30 см схемада экилди. Ҳар бир схема узунлиги 10 м бўлган, 4 қаторли эгатлардан иборат бўлиб 4 такрорланишда жойлаштирилди. Ҳар бир такрорланишга экиш схемалари бўйича 400, 266, 160 ва 132 тупдан ниҳол экилди. Ҳисобга олинадиган ниҳоллар эгаллаган майдонча юзаси 140 м^2 ни ташкил этди. Тажриба майдончасида фенологик, биометрик ва бошқа кузатувлар амалдаги услубий қўлланмалар асосида бажарилди, [4].

Тажриба натижалари. Кузатувлардан маълум бўлишича, қаторлар орасидаги масофа ўзгармаган ҳолда, қатордаги ўсимликлар оралиғидаги

масофани 10 см дан 30 см гача ортиб бориши ҳар тупда ҳосил бўладиган барглар сони ва уларни кўрсатгичларига турлича таъсир этди (1-жадвал).

Тажрибанинг 70×10 см (назорат) схемада экилган ниҳоллари поямеваси етилган давригача ҳар тупда ҳосил қилган барглари сони ўртача 18,8 донани ташкил этди. Қатордаги ўсимликлар оралиғидаги масофа 10 смдан 30 см гача ортиб бориши, ҳар тупда ҳосил қилган барглари сони 14,9% дан 33,5% гача кўпайганлиги аниқланди. Озиқланиш майдонини 0,07 м^2 (назорат) дан 0,21 м^2 гача кўпайиб бориши, барг бандининг ва баргининг узунлигига ҳам ижобий таъсир этиши аниқланиб барг банди узунлиги 11,2 см дан 15,9 см, баргининг узунлиги эса тегишлича: 15,4...24,8 см бўлди. Демак, юза бирлигидаги ниҳоллар сонини St экиш схемасида 14,3 туп/м^2 дан, сўнгги экиш схемасигача 4,7 дона/м^2 гача камайиши барглар сонини кўпайиши, барг бандини ва баргини узун бўлиб шаклланишига ижобий таъсир этар экан.

1-жадвал

Такрорий экинда карамнинг кольраби турини Гигант нави барглари сони, барг банди ва баргининг узунлигига экиш схемасини таъсири

Экиш схемаси	Озиқланиш майдони, м^2	Барг сони, дона/туп	Назоратга нисбатан %	Барг бандининг ўртача узунлиги, см	Баргнинг ўртача	
					узунлиги, см	эни, см
70×10см (назорат)	0,07	18,8	100	11,2	15,4	11,2
70×15 см	0,11	21,6	114,9	12,7	17,8	13,9
70×20 см	0,14	22,1	117,6	14,3	20,4	14,8
70×25 см	0,175	24,8	131,9	15,2	21,9	15,1
70×30 см	0,21	25,1	133,5	15,9	24,8	15,8

Экиш схемаси кольрабини ҳар тупда шакллантирган барглари сони ва уларни сифат кўрсатгичларигагина эмас, балки ниҳолларни яшовчанлиги, ҳосилдорлиги ва уни сифатига ҳам таъсир этди (2-жадвал).

2-жадвал

Такрорий экинда карамни кольраби тури Гигант навининг хато миқдори, ҳосилдорлиги ва уни сифатига экиш схемасини таъсири

Экиш схемаси	Хато миқдори, %	Гектарда		Ҳосил		Товарбоп поямева ўртача вазни, г
		нобуд бўлган ўсимликлар сони, минг/дона	ҳақиқий ўсимликлар сони, минг/дона	т/га	назоратга нисбатан, %	
70×10см (назорат)	5,8	8285	134572	28,8	100	210,9
70×15 см	4,1	3725	87184	30,5	105,9	350,1
70×20 см	2,2	1571	69857	31,7	110,1	453,8
70×25 см	1,2	686	56457	33,8	117,4	598,7
70×30 см	1,1	524	47096	28,7	99,7	610,2

Кузатувлардан маълум бўлишича, (2-жадвал) қатордаги ўсимликлар орасидаги масофани 10 см дан 30 см гача ортиб бориши ниҳолларнинг яшовчанлигига турлича таъсир этди. 10 см ораликда экилган ниҳолларнинг 5,1 фоизи ўсув даврида нобуд бўлиб, гектардаги кўчатларни 8285 донага камайишига сабаб бўлди. Назорат вариантга нисбатан қатордаги ўсимликлар орасидаги масофани 5 см дан 15...30 см гача ортиб бориши ниҳолларни яшовчанлигига ижобий таъсир этиши аниқланди ва бу кўрсатгич 4,1...1,1% оралиғида бўлди.

Ўрганилган экиш схемалари ичида назоратга нисбатан энг кам хато миқдори тажрибанинг сўнгги икки вариантида кузатилиб, у 1,2-1,1% оралиғида бўлди. Бунга сабаб, 0,175 ва 0,21 м^2 озиқланиш майдони кольраби караминиг Гигант нави биологик талаби даражасида бўлишидан деб ҳисоблаш мумкин. Экиш схемаси нафақат хато миқдорига, балки ҳар тупда шаклланган поямеваларнинг вазни ҳамда гектардан олинадиган ҳосил миқдорига ҳам таъсир этди. Назорат экиш схемасида (70×10 см) гектардаги ҳақиқий ўсимликлар сони 134572 донани ташкил этди, аммо ҳар тупда ҳосил қилган поямевасининг ўртача оғирлиги 210,9 г дан ошмади.

Тажрибанинг кейинги вариантларида қатордаги ўсимликлар оралиғидаги масофани 15 см дан 30 см гача ортиб бориши поямевалар вазнини уларга пропорционал ҳолда ортиб боришлигини тасдиқлади ва поямевалари ўртача вазни 350,1...610,2 г ни ташкил этди. Поямеванинг ўртача вазнини юқори ёки паст бўлиши гектардан олинадиган ҳосилга кўп ёки кам даражада бўлишига таъсир этди. Ўрганилган экиш схемалари ичида назоратга нисбатан энг юқори ҳосилни (33,8 т/га, 119,0%) тажрибанинг тўртинчи экиш (70×25 см) схемасида ўсиб-ривожланган ўсимликлар шакллантирди. Бу экиш схемасида ўстирилган ниҳолларни юқори ва сифатли ҳосил беришига сабаб, бизни фикримизча 0,175 м^2 юзадаги озиқ моддаларни етарли бўлиши ҳамда ёруғлик энергиясидан тўлиқ фойдаланиши ва хато миқдорини кам бўлиши таъсиридандир. Тажрибанинг сўнгги варианти (70×30 см) ниҳоллари ҳар тупда ҳосил қилган поямеваси ўртача вазни 610,2 г гани ёки назорат вариант поямеваси оғирлигидан 399,3 г га, 0,175 м^2 озиқланиш майдонида ўстирилганга нисбатан эса 11,5 г га юқори бўлди, аммо умумий ҳосилдорлиги биринчи экиш схемасидан олинган ҳосилга тенг, тўртинчи экиш (70×25 см) схемаси ҳосилдорлигидан эса, 18,0% кам бўлди. Бунга гектардаги ўсимликлар сонини сезиларли даражада кам бўлиши сабаб бўлди.

Хулоса. 1. Кольраби карамини Гигант нави 0,175-0,21 м^2 озиқланиш майдонига экилса, назорат экиш схемасига нисбатан ҳар тупда 6-7 донага кўп бақувват барглар шакллантиради. Кольраби карамини такрорий экинда 70×10 см схемада экиш гектардаги хато миқдори юқори (5,8%) бўлади. Кольраби карамини 70×25 см схемада экиш гектардан энг юқори (33,8 т/га) ҳосил олишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аутко А.А. В мире овощей. Минск: УП. “Технопринт” 2004. С-568.
2. M.E.Amanova., D.M.Yakubova. Selection of Promising Varieties of Cabbage Kolrabi (Brassica Oleracea Var. Gongylodes) During Repeated Sowing. Middle European Scientific Bulletin, volume 25 Jun 2022. 289-291
3. Волкова Е.Н. Сортовая агротехника кольраби. Картофель и овощи-№5. 1999. С-28.
4. Доспехов Б.А.-Методика полевого опыта. Изд.5-М. Агропромиздат 1985. С.361.
5. Зуев В.И., Мавлянова Р.Ф., Дусмуратова С.И., Буриев Х.Ч. Овощи-это пища и лекарство. Ташкент. Навруз. 2016 г, с 216-217
6. Конанков П.Ф. Овощи-основа здорового питания. Ж.Картофель и овощи. Москва, 2007 г. №1. С 8-9
7. Китаева И.Е., Капуста. Московский рабочий. 1977. С 57-61.